

**УЗОҚ УМР КЎРУВЧИЛАР ПОПУЛЯЦИЯСИДА НОСТРЕРОИД  
ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТЛАРНИ ГАСТРОДУОДЕНАЛ ЯРА  
АСОРАТЛАРИДАГИ РОЛИ**

*Пакирдинов А.С., Мамасолиев Н.С., Мадазимов М.М.  
Андижон давлат тиббиёт институти  
Ўзбекистон Республикаси, Андижон ш.*

**Кириш.** Нострероид яллиғланишга қарши препаратларни (НЯҚП) замонавий тадқиқотларда келтирилишича барча тиббиёт мутахассисликларида энг талаб кучли препаратлар бўлиб ҳисобланади. Бунинг сабаби унинг кенг доирада терапевтик самара беришидир: оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши ва истима туширувчи таъсирлари борлиги туфайли НЯҚПни 84% ревматологлар ва 82% терапевтлар мунтазам буюришади. Аммо НЯҚПларни қисқа вақт давомида ва кичкина миқдорларда бериш ҳам қатор нохуш ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин (Hu V., Wan J.H., Li X.V. et al. Systematic review with meta - analysis: the global recurrence rate of Helicobacter pylori // Alimentari pharmacology therapeutics. 2017; 46(9):775-778. <https://doi.org/10.1111/art.14319>).

Loin L. (2004) тадқиқотининг маълумотларига кўра НЯҚПнинг носелектив шакллари 5 йилдан узоқ муддат давомида мунтазам истеъмол қилганларда НЯҚП – эрозия ва яралар 15-40% частотада келиб чиқади (Loin L. Proton pump inhibitor cotherapy with nonsteroidal anti-inflammatory drugs-nice or necessary? // Rew Gastroenterol Dis. 2004; №4. - С. 34-40.). Бу маълумотларни ҳисобга олиш ва превентив профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, айниқса, узоқ умр кўрувчиларда ҳаётини муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот мақсади:** Узоқ умр кўрувчилар популяциясида гастродуоденал яра асоратларини келиб чиқишида НЯҚП хатар омилини ўрганиш ва баҳолаш.

**Материал ва метод:** Гастродуоденал яра келиб чиқишида НЯҚП хавф омилини ўрганишда 205 нафар НЯҚП қабул қилган, 514 нафар НЯҚП қабул қилмаган уюшмаган узоқ умр кўрувчи аҳоли популяцияси олинди. НЯҚП хавф омилини аниқлашда бир вақтли ва репрезентативли тадқиқот ўрганилди. Эпидемиологик тадқиқотни ташкил этишда ва ўтказишда ЖССТ тавсия қилган “Анкета сўровнома”, физикал текширувлар ва мақсадли комплекс ва чуқурлаштирилган скрининг текшируви ўтказилди.

Таҳлил натижалари univartable ва multivariable бир омилли ҳамда кўп факторли статистика усуллари қўлланилди.

**Тадқиқот натижалари:** Популяцияда НЯҚВ қабул қилиш омилининг таъсири ўрганилиб, бир омилли таҳлил натижалари НЯҚВ қабул қилиш омили УУКПда ГДЯ касаллиги билан касалланишга бўлган мойилликнинг 39,28 бараварга ошишига сабаб бўлиши клиник жиҳатдан асосланди [OR 39.28], ишонч интервал ва Фишернинг p қиймати ушбу олинган натижа статистик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди [CI 95% 22.6-72.9; p <0.001].

**Хулоса:** Узоқ умр кўрувчилар популяциясида нострероид яллиғланишга қарши препаратлар қабул қилиш давомида антисекретор давони протон насоси ингибиторлари билан 4-6 ҳафта давомида ўтказиш тавсия этилади. НЯҚПлар қабул қилувчиларда протон насоси ингибиторлари ҳимояси остида ингичка ичакнинг шикастланишини келиб чиқиш хавфини 4 мартага камайтиради.